

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY VA ЎRTA MAXSUS TAЪLIM
VAZIRLIGI
ISLOM KARIMOV NOMIDA GI TOШKENT DAVLAT TEXNIKA
UNIVERSITETI**

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**



International
Organization for
Standardization



International
Electrotechnical
Commission



**ХАЛҚАРО АНЖУМАН
«Жаҳонда стандартлаштириш ва техник жиҳатдан
тартибга солиш ҳолати ва ривожланиш истиқболлари»**

**МЕЖДУНАРОДНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ
«Состояние и тенденции развития стандартизации и
технического регулирования в мире»**



СБОРНИК НАУЧНЫХ ТРУДОВ

**13-14 Октябрь, 2022
Ташкент, Узбекистан**

$$\dim l = L; \dim m = M; \dim t = T.$$

Hosilaviy kattaliklarning o'lchamligini aniqlashda quyidagi qoidalarga amal qilish lozim:

1. Tenglamaning o'ng va chap tomonlarining o'lchamligi mos kelmasligi mumkin emas, chunki, faqat bir xil xossalargina o'zaro solishtirilishi mumkin. Bundan xulosa qilib aytadigan bo'lsak, faqat bir xil o'lchamlikka ega bo'lgan kattaliklarnigina algebraik qo'shishimiz mumkin.

2. O'lchamliklarning algebrasi ko'payuvchandir, ya'ni faqatgina ko'paytirish amalidan iboratdir:

2.1. Bir nechta kattaliklar ko'paytmasining o'lchamligi ularning o'lchamliklarining ko'paytmasiga teng, ya'ni: A, B, C, Q kattaliklarining qiymatlari orasidagi bog'lanish $Q = ABC$ ko'rinishda berilgan bo'lsa, u holda

$$\dim Q = (\dim A)(\dim B)(\dim C).$$

2.2. Bir kattalikni boshqasiga bo'lishdagi bo'linmaning o'lchamligi ularning o'lchamliklarining nisbatiga teng, ya'ni $Q = A/B$ bo'lsa, u holda

$$\dim Q = \dim A / \dim B.$$

2.3. Darajaga ko'tarilgan ixtiyoriy kattalikning o'lchamligi uning o'lchamligini shu darajaga oshirilganligiga tengdir, ya'ni, $Q = A^n$ bo'lsa, u holda,

$$\dim Q = \dim A^n.$$

Masalan, agar tezlik $v = l/t$ bo'lsa, u holda

$$\dim v = \dim l / \dim t = L/T = LT^{-1}.$$

Shunday qilib, hosilaviy kattalikning o'lchamligini ifodalashda quyidagi formuladan foydalanishimiz mumkin:

$$\dim Q = L^n M^m T^k \dots,$$

bunda, $L, M, T, \dots$ - mos ravishda asosiy kattaliklarning o'lchamligi; $n, m, k, \dots$ - o'lchamlikning daraja ko'rsatkichi.

Har bir o'lchamlikning daraja ko'rsatkichi musbat yoki manfiy, butun yoki kasr songa yoxud nolga teng bo'lishi mumkin. Agar barcha daraja ko'rsatkichlari nolga teng bo'lsa, u holda bunday kattalikni **o'lchamsiz kattalik** deyiladi. Bu kattalik bir nomdagi kattaliklarning nisbati bilan aniqlanadigan nisbiy (masalan, dielektrik o'tkazuvchanlik), logarifmik (masalan, elektr quvvati va kuchlanishining logarifmik nisbati) bo'lishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Матякубова П.М. Методика автоматизированной поверки средств измерения влажности сыпучих материалов // «Илм сарчашмалари», №4, 2012.

2. Рахманов А.Т. Принципы построения зондовых измерительных преобразователей контроля параметров гидромелиоративных систем// Химическая технология. Контроль и управление.-2007.-№ 2.-С.

3. Shertaylaqov G`.M. O'lchashlarning fizikaviy asoslari. O`quv qo`llanma. Jizzax 2021.

ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ СТАНДАРТЛАР ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТУРИЗМ ТАМОҒИНИ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЎРНИ

Султонова Юлдуз Аббаровна

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети “Метрология, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” кафедраси катта ўқитувчиси

Хайруллаева Дилдора Сайдуллаевна

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети “Метрология, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” кафедраси талабаси

Мухаммад Аминов Ахмадбек Дилшодбек ўғли

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети “Метрология, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” кафедраси талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада туризм соҳасидаги муаммоларни ечими сифатида таклиф этилган ҳамда соҳа ривожига ижобий таъсир этаётган Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги стандартлар аҳамияти ҳақида сўз боради.

Аннотация: В данной статье говорится о важности действующих стандартов в Республике Узбекистан, которые предлагаются в качестве решения проблем в сфере туризма и положительно влияют на развитие отрасли.

Калит сўзлар: Туризм, ҳалол туризм, тиббий туризм, халқаро туризм, туристик индустрия, халқаро стандартлар, таллостерапия.

Ключевые слова: Туризм, ҳалал туризм, медицинский туризм, международный туризм, туристическая индустрия, международные стандарты, таллостерапия.

“Туризм — иқтисодийнинг муҳим тармоқларидан бири. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, ушбу тармоқни янада такомиллаштириш зарур, бунининг ўзи тақозо этмоқда”

Шавкат Мирзиёев

Ҳозирда Ўзбекистонда туризм иқтисодийни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Ўзбекистон жуда катта туризм ва рекреация салоҳиятига эга, унда жами 7,4 минг маданий мерос объектлари мавжуд, улардан 209 таси тўртта музей шаҳарлар — «Хива шаҳридаги Ичан-қалъа», «Бухоро шаҳрининг тарихий маркази», «Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий маркази», «Самарқанд шаҳри» худудида жойлашган бўлиб, ЮНЕСКО бутунжаҳон мероси рўйхатида киритилган.

Ҳалол туризм, аслида туризмнинг бу йўналиши пайдо бўлганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. «Ҳалол туризм» атамаси минтақамизда яқин-яқиндан ишлатила бошланди. Дунёда ислом динига этикод қилувчи 1,6 миллиард аҳоли истикомат қилади, шундан қарийб 150 миллиони ҳар йили саёҳатга чиқади. Шундан келиб чиқиб, «Ҳалол туризм» бугунги кун учун жуда керак деган хулосага келиш мумкин. Хўш, «Ҳалол туризм» ўзи нима? У оилавий ҳордиқ чиқариш, ҳамёнбоп турар жойларда тунаб, сифатли, озода овқатланиш шаҳобчаларида таомланиш ҳамда исрофгарчиликни хуш кўрмайдиганлар учун яратилган хизмат туридир. 2022- йилнинг 31-май-2-июнь кунлари Цингапурда мусулмон дунёси туризм бозорини тиклаш ва ривожлантиришга бағишланган «Halal in travel – Global summit 2022» халқаро саммити бўлиб ўтди. «Halal in travel award» глобал саммити доирасида Самарқанд шаҳри «Йилнинг ислом меъроси манзили» ва «Йилнинг энг яхши ривожланаётган мусулмон шаҳри» мукофоти ғолиби бўлди. Ўзбекистон ҳар йили Спессэнт Ратинг томонидан эълон қилинадиган «World muslim travel index» рейтингида кучли ўнталикка кирди.

Кўрсатилаётган сайёҳлик хизматларини хавфсизлиги, сифати, шунингдек халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида туризм соҳасидаги стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар томонидан туризм фаолиятини тартибга солишчи стандартлар ишлаб чиқилган. Булардан қуйидаги стандартларни мисол келтирсак бўлади.

- O'z DSt 3220:2017 "Жойлаштириш воситалари. Умумий талаблар"

- O'z DSt 3296:2018 "Меҳмонхоналар ва ўхшаш жойлаштириш воситалари. Таснифлаш тизими"

- O'z DSt 3331:2018 "Туризм соҳасида навигация тизимининг ахборот белгилари. Умумий талаблар"

- O'z DSt 3334:2018 "Мусулмон меҳмондўстлиги.Талаблар"

2020 йилда коронавирус пандемияси дунё миқёсида мамлакатларнинг 2020-йил баҳорги туристик мавсумини бекор қилинишига олиб келди. Айни шу пандемия шароитида карантин тартибларига риоя қилган ҳолда туризмни амалга оширилишига доир талабларни белгиловчи стандарт ишлаб чиқилди. Бу - O'z DSt 37.001:2020 Корхоналар фаолиятининг хавфсиз шароитларини стандартлар тизими. Туристлик индустрия объектларида хавфсиз туристик хизматлар кўрсатишга доир тавсиялар.

Ушбу стандарт инфекция касалликларнинг оммавий тарқалиши (эпидемия, пандемия) ва ундан кейинги даврда туристик индустрия объектлари ишчи ва ходимларининг саломатлигини ҳимоя қилиш учун мақбул меҳнат шароитини ва меҳнат жараёнини ташкил этиш, профилактик тадбирларни амалга ошириш, туристларнинг саломатлигини таъминлаш мақсадида уларга санитария-гигиеник хавфсиз хизмат кўрсатиш бўйича тавсияларни ўз ичига олади ва қўлланилишда ихтиёрийлик касб этади.

Ўзбекистонда халқаро стандартлар ҳам жорий этилган, уларга қуйидагиларни мисол келтирсак хато бўлмайди:

- O'z DSt ISO 13009: 2019 Туризм хизматлари. Пляж фаолиятига доир талаблар ва тавсиялар (ISO 13009:2015, ITD)

- O'z DSt ISO 18513:2017 Туризм хизматлари. Меҳмонхона ва туристларни жойлаштириш воситаларининг бошқа турлари. Атамашунослик (ISO 18513:2003, IDT)

- O'z DSt EN 13809:2019 (EN 13809:2003, IDT) Туризм хизматлари. Туроператорлар ва турагентлар. Атамашунослик (EN 13809:2003, IDT)

- O'z DSt ISO 18065:2019. Туризм хизматлари. Қўриқланадиган табиий ҳудудларнинг маъмурияти томонидан тақдим этиладиган, умумий фойдаланиш учун туризм хизматлари. Талаблар (ISO 18065:2015, IDT)

- O'z DSt ISO 14785:2018 Туризм ахборот бюрolari. Туризм ахбороти ва қабул қилиш хизматлари. Талаблар.

- O'z DSt ISO 22525:2022 Туризм ва унга боғлиқ хизматлар. Тиббий туризм. Хизмат кўрсатишга доир талаблар

Ушбу стандарт тиббий туризм соҳасида тиббий хизматларнинг воситачилари ва таъминотчилари учун талаб ва тавсияларни белгилайди. Ушбу стандарт сайёҳларга тиббий сабабларга кўра саёҳат қилаётган сайёҳларнинг талабларини қаноатлантириш учун сифатли хизматларни тақдим этишга мўлжалланган. Ушбу стандарт талассотерапия марказлари, тиббий курортлар ёки соғломлаштириш курортларига тааллуқли эмас. Бу стандартда асосан тиббий амалиётлар, махсус мураккаб жарроҳлик операцияларидан ўтиш мақсадида ташриф буюрган тиббий сайёҳ беъмор ҳамда воситачилар учун умумий ва махсус талаблар ва тавсияларни ўз ичига олади. Ушбу стандартнинг Ўзбекистонда қўлланилиши мамлакатда олиб борилаётган тиббий хизматларнинг халқаро даражаларида фойдаланувчи ёки таъминотчи тиббий хизматни амалга оширувчи ташкилот ёки воситачининг умумий ҳуқуқ ва мажбуриятига доир талабларни ва тавсияларни белгилаб мамлакатда амалга оширилувчи тиббий туризм хизматлари сифатини таъминлайди.

Хулоса шуки, Ўзбекистон ўзининг ажойиб табиати, тарихий шаҳарлари, меҳмондўстлиги, миллий таомлари билан дунёга танилмоқда ва сайёҳлар оқимини кўпайишига сабаб бўлмоқда. Сайёҳлар оқимининг кўпайиши Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожига ҳисса қўшади. Туризм даромадли ва юқори рентабелли саноат бўлиб, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда, ташқи савдо балансини оширишда, аҳолини иш билан таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистонда туризмни иқтисодиётнинг стратегик соҳаларидан бирига айлантириш бўйича қилинган ишлар турли рейтинг ва номинацияларда ҳам ўз аксини топди. Хусусан, сўнгги йилларда Ўзбекистон «The Guardian» нашри томонидан дунёнинг энг яхши сайёҳлик йўналиши, «Wanderlust» наздида энг тез ривожланаётган давлат, «Grand Voyage» ҳисоб-китобида кўра энг яхши ривожланаётган ўлка деб топилди. Ундан ташқари БМТ ҳузуридаги Жаҳон туризм ташкилоти Ўзбекистонни туризм соҳасида шиддат билан ривожланаётган давлатлар рўйхатида 4-ўрин билан баҳолади. Бунинг барчаси Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида Республикадаги қонуний-меърий базанинг халқаро талаблар билан уйғунлаштирилаётгани ҳамда халқаро стандартларнинг қабул қилинаётгани билан бевосита боғлиқдир. Ўзбекистонда туризм соҳасидаги халқаро стандартларнинг қабул қилиниши пировардида мамлакатда амалга оширилаётган фаолиятнинг, кўрсатилаётган хизматларнинг халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги сифат кўрсаткичини белгилайди.

Адабиётлар

1. О'z DSt ISO 14785:2018 Туризм ахборот бюрolari. Туризм ахбороти ва қабул қилиш хизматлари.
2. И.С. Тухлиев, Р. Ҳайитбоев “Туризм асослари” Тошкент.
3. ЎРҚ-549-сон Туризм тўғрисидаги қонун
4. <https://www.lex.uz>
5. <https://www.uzbektourism.uz>
6. <https://www.standart.uz>

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИНИНГ МУРАККАБЛИГИ ВА УНИ ЕЧИШ ЙЎЛЛАРИ

Бекмуротов Чори Абдуллаевич

Тошкент давлат техника университети, “Метрология, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” кафедраси катта ўқитувчиси

Ниетбаев Акилбек Калбаевич

Тошкент давлат техника университети, “Метрология, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” кафедраси магистранти

Аннотация: Мақолада озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари сифат менежменти тизимининг натижавийлиги ва самарадорлигини таҳлил қилиш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда сифат менежменти тизимининг мураккаблиги ва уни ечиш йўллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: сифат менежменти тизими, ишлаб чиқариш, жараёнларни бошқариш.

Аннотация: В статье анализируются эффективность и результативность системы менеджмента качества предприятий пищевой промышленности, сложность системы

ОГЛАВЛЕНИЕ

Приветственное слово. Турабджанов С.М.	3
Приветственное слово. Юсупбеков Н.Р.	4

РОЛЬ СТАНДАРТИЗАЦИИ В ПРОИЗВОДСТВЕ ПРОДУКЦИИ

Тавгень И.А., Борис В.Ц. Проблемы стандартизации процесса дистанционного повышения квалификации	5
Борис В.Ц., Владимир Л.С. Стандартизация понятий в современной метрологической практике	9
Исматуллаев П.Р., Асамутдинова С.Х., Зиёдуллаев А.У., Государственный надзор за соблюдением требований стандартов	14
Исматуллаев П.Р., Мўминов Х.Д., Стандартлаштириш тизимининг хронологик ривожланиши	19
Муминов Н.Ш., Хамидов Ж.А. Проблемы разработки и внедрения нормативных документов по стандартизации в строительстве	23
Кулуев Р.Р., Дониёрова К.Б. Анализ основных принципов современного менеджмента качества	28
Бекимбетов М.Н., Сатторбергенова Г.К., Баниязов Ш.К. Теоретические основы управления качеством услуг	33
Пулатова Д.Г. Основные характеристики ячеистых бетонов	37
Абдусаломова Н.С., Усманова Х.А. Озиқ-овқат саноатида сифат менежменти тизимини шакллантиришнинг асосий стандартлари	39
Каратаева С.Б. Аттестация рабочих мест	43
Shertaylaqov G‘.M., O‘ngarov J.Y., Maxammatov Sh.Sh. Xalqaro standart talablari asosida kattaliklar jarayonining bajarilishi	45
Султонова Ю.А. Хайруллаева Д.С., Мухаммад Аминов А.Д., Халқаро ва миллий стандартлар иктисодиётнинг туризм тамоғини ривожланишидаги ўрни	48
Бекмуротов Ч.А., Ниетбаев А.К. Озиқ-овқат маҳсулотлари сифат менежменти тизимининг мураккаблиги ва уни ечиш йўллари	51
Султонова Ю.А., Умарова Н.С., Хайруллаева Д.С., Корхоналарда коррупцияга қарши курашда халқаро ISO 37001 стандартининг ўрни ва аҳамияти	55
Турдалиева М.М., Обидов Ж.Ғ., Топволдиев А.А., Создание научно – методологических основ разработки технологической инструкции на производство полуфабрикатов из индейки	58
Фаттоев Ф.Ф., Мирпайзиева Г.М., Жуманазарова С.Ш., Организация и анализ системы контроля качества в СМК предприятий пищевой промышленности	61
Rakhmanova N.R., Mo‘minov N.Sh., Energy in international standards	64
Назарбаева Б.А. Роль стандартизации в интеллектуальной электроэнергетической системе	66
Жабборов Ҳ.Ш., Мустафайев О.Ш. Дон ва дон маҳсулотлари намлигини ўлчаш усулини танлаш ва уни асослаш	72
Сатторов Д.Н., Матякубова П.М., Стандартлаштириш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш	76